

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МИЛЛИЙ АНТИДОПИНГ АГЕНТЛИГИ**

**А.Б. СОЛИЕВ, А.А. САДИКОВ**

**СПОРТ ШИФОКОРЛАРИ УЧУН  
ТЕРАПЕВТИК ИСТИСНОЛАР  
БЎЙИЧА УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

Спорт шифокорлари учун терапевтик истиснолар бўйича  
услубий йўриқнома

**Тошкент-2025**

### **Тузувчилар:**

А.Б. Солиев (DSc) Миллий антидопинг агентлиги бўлим бошлиғи

А.А. Садиков (DSc) Миллий антидопинг агентлиги директори

### **Такризчилар:**

Д.Э. Махмудов (DSc) Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази бўлим бошлиғи

Д.А. Алиева (DSc) Самарқанд давлат тиббиёт институти

Ушбу услубий қўлланма спорт шифокорлари учун терапевтик истиснолар (ТИ) масалаларида амалий йўлланма сифатида тайёрланди. Қўлланмада ТИга оид асосий мезонлар, шартлар, талаблар ва уларнинг амал қилиш муддатлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Мазкур йўлланма спортчиларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш билан бирга, адолатли ва тоза спорт тамойилларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Спорт шифокорлари мазкур қўлланмадан фойдаланиб, спортчилар учун зарур терапевтик даволаш жараёнларини амалга оширишда, қонунчилик ва халқаро антидопинг талабларига мувофиқ равишда иш юритишлари мумкин бўлади.

Ушбу қўлланма агентлик ҳузуридаги ахлоқ ва терапевтик истиснолар комиссияларида муҳокама қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Миллий антидопинг агентлиги йиғилишининг 2025 йил 22 сентябрь кунги 13-сонли баёни билан тасдиқланган.

UzNADA

world  
anti-doping  
agency



JAHON ANTIDOPING KODEKSI

XALQARO  
STANDART

# TERAPEVTIK ISTISNOLAR

2023

## 1. КИРИШ

“...(Спортчи) Терапевтик истиснолар бўйича халқаро стандарт қоидаларига мувофиқ ТИ рухсатномаси олган бўлса, (унинг организмда топилган) тақиқланган модда ёки унинг метаболитлари, ёки маркерларининг мавжудлиги ва/ёки тақиқланган модда ёки тақиқланган усулдан фойдаланиш ёки фойдаланишга уриниш, сақлаш, қўллаш ёки қўллашга уриниш антидопинг қоидаларини бузиш деб ҳисобланмайди...”. WADA кодексининг 4.4.1-моддаси.

### **Терапевтик истисноларнинг:**

- **Мақсади:** Спортчиларнинг соғлиғини ҳимоя қилиш билан бирга, спортнинг холислиги ва допингга қарши кураш тамойилларига риоя қилиш.
- **Таърифи:** Спортчига тақиқланган модда ёки усулни тиббий зарурат асосида қўллашга рухсат берувчи расмий ҳужжат.

**Асосий манба:** Бутунжаҳон антидопинг агентлиги (WADA) кодекси, Терапевтик истиснолар бўйича халқаро стандарт (ТИХС) (International Standard on Therapeutic Use Exemptions (ISTUE)).

## 2. ТИГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ УЧУН АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАР

- **Тиббий зарурат:** Спортда тақиқланган модда ёки усул қўлланилмаса, спортчининг соғлиғига жиддий зарар етиши ёки спортчи спорт билан шуғулланиш имкониятидан маҳрум бўлиши.
- **Муқобил (альтернатив) усулларнинг йўқлиги:** Тақиқланмаган самарали муқобил (альтернатив) усулларнинг мавжуд бўлмаслиги.
- **Аҳамиятсизлик:** Қўлланилган тақиқланган модда спортчига меъёрдан ортиқ спорт натижаси бермаслиги, яъни спортчининг жисмоний имкониятларини кучайтирмаслиги.
- **Муддатлилиқ:** ТИ муайян муддат учун берилади ва ўз вақтида янгиланиши лозим бўлади.

## 3. ТИГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИ

Терапевтик истиснолар халқаро стандартининг 6.4-моддасида ТИга муурожаат қилиш учун нималар зарурлиги баён этилган. Хусусан, унда шундай дейилади: “Спортчи ТИ аризасини АДАМС орқали ёки антидопинг ташкилоти томонидан белгиланган тартибда тегишли антидопинг ташкилотига

топшириши керак. Аризага кенг қамровли тиббий тарих, шу жумладан (иложи бўлса) асл ташхис қўювчи шифокор(лар)нинг ҳужжатлари ва барча тегишли текширувлар, лаборатория текширувлари ва тасвирий тадқиқотлар натижалари илова қилиниши керак. Аризада белгиланган ҳудудда шифокорнинг имзоси бўлиши керак<sup>1</sup>.

ТИга мурожаат қилиш жараёнларини қуйидаги кетма-кетлик ва схема кўринишида ифодалаш мумкин.

### ТИга мурожаат қилиш босқичлари:



- ① **Ташхис қўйиш**
- ② **Тақиқланган моддалар рўйхатини текшириш**
- ③ **Муқобил (альтернатив) усулларни баҳолаш**

<sup>1</sup> Ташхис ва даволаш билан боғлиқ маълумотлар WADA веб-сайтида жойлаштирилган тегишли WADA ҳужжатлари билан бошқарилади.

- 4 **ТИ аризасини тайёрлаш (ариза шакли + ҳужжатлар)**
- 5 **Аризани Терапевтик истиснолар комиссияси (ТИК)га юбориш**
- 6 **ТИКнинг қаноатлантирилган ёки рад этилган қарорини олиш**
- 7 **Спортчига ва федерацияга хабар бериш**

*“...Миллий даражадаги спортчилар томонидан миллий антидопинг ташкилоти ТИ комиссиясига ТИ аризаси топширилганда аризага қўшиб тўлиқ тиббий файл, шу жумладан диагностика тестлари, лаборатория натижалари ва кўрсаткичлари тақдим этилиши керак, аммо инглиз ёки француз тилларига таржима қилиниши шарт эмас. Бироқ, АДАМСга барча асосий маълумотларнинг (шу жумладан асосий диагностика тестларининг) таржима қилинган хулосаси, таъхиси киритилиши керак. Тиббий маълумотни тўғри тушуниши ва умумлаштириши учун хулосани қатъиян шифокор ёки етарли тиббий маълумотга эга бўлган бошқа шахс тайёрлаши тавсия этилади. Батафсил/тўлиқ таржималар тегишли антидопинг ташкилоти ёки WADA томонидан сўров бўйича талаб қилиниши мумкин...”.*

Терапевтик истиснолар халқаро стандартининг 5.5-моддаси.

**Терапевтик истиснолар комиссияси** қарори спортчига ёзма равишда етказилади ва WADA Кодексининг 5.5 бандга мувофиқ WADA ва АДАМС орқали бошқа антидопинг ташкилотларига тақдим этилади.

#### **4. ТИ УЧУН ТАЛАБ ҚИЛИНАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР**

ТИ рухсати олиш учун спортчи ва уни даволовчи шифокоридан куйидаги ҳужжатларни тўплаб, Миллий антидопинг ташкилоти, спортчининг халқаро федерацияси ва йирик спорт тадбирлари ташкилотчиларидан бирига юбориши талаб этилади.

- Тўлиқ тиббий тарих (anamnesis)
- Обьектив кўрик натижалари
- Лаборатор/инструментал таҳлиллар натижалари
- Ташхисни тасдиқловчи ҳужжатлар
- Тавсия этилган даволаш режаси
- Ариза формаси (ТИХСга мувофиқ)

Шуни ёдда тутиш жоизки, юқоридаги ҳужжатларга қўшимча тиббий маълумотлар ва/ёки мутахассислар талаб этилганда, ариза кўриб чиқилиши

учун, Терапевтик истиснолар комиссияси қўшимча тиббий таҳлиллар, тиббий тадқиқотлар ва мос равишда мутахассислар талаб этиши мумкин. Мазкур талаб Терапевтик истиснолар халқаро стандартининг 6.7-моддасида ўз ифодасини топган. Хусусан унда шундай дейилади: “...Терапевтик истиснолар комиссияси спортчидан ёки унинг шифокоридан спортчининг аризасини кўриб чиқиш учун зарур деб ҳисоблаган ҳар қандай қўшимча маълумот, текширувлар ёки тасвирий тадқиқотлар ёки бошқа маълумотларни сўраши мумкин; ва/ёки у тегишли деб ҳисоблаган бошқа тиббий ёки илмий мутахассислардан ёрдам сўраши мумкин...” Терапевтик истиснолар халқаро стандартининг 6.7-моддаси.

## 5. ТИ ТУРЛАРИ

Терапевтик истисноларга мурожаат қилишнинг икки хил усули мавжуд:

- **А. Превентив (Prospective):** Тақиқланган модда ёки усул ёрдамида даволанишни бошлашдан олдин рухсат олиш.
- **В. Ретроактив (Retroactive):** Фавқулодда ҳолатларда, масалан, тез тиббий ёрдам кўрсатиш талаб этилганда, спортчига номаълум модда ёки услубдан фойдаланиш ёки эгалик қилишдан кейин тақиқланган модда ёки усул учун ТИга ариза топшириш имконини беради.

Мазкур усулларга мурожаат қилишда Терапевтик истиснолар халқаро стандартининг 4.1 ҳамда 4.2-моддалари талаблари бажарилиши лозим.

---

### *Терапевтик Истиснолар Халқаро Стандартининг 4.1 банди*

#### *Ретроактив Терапевтик Истисно олиш шартлари*

---

- а) фавқулодда вазият ёхуд шошилиш тиббий ёрдам зарур бўлганда;
- б) спортчининг допинг намуна топширишдан олдин ТИ аризаси топширишга (ёки ТИ аризасини кўриб чиқишга) вақти, имконияти ёки бошқа ҳолатларнинг етарли бўлмаслиги;
- с) муайян спорт турлари ёки йўналишларнинг миллий даражада устуворлиги туфайли Миллий Антидопинг ташкилоти спортчига ТИ аризаси топширишга рухсат бермаслиги ёки талаб қилмаслиги;
- д) Агар антидопинг ташкилоти Халқаро даражадаги спортчидан допинг синама олишга қарор қилса ва ушбу спортчи Терапевтик сабабларга кўра

тақиқланган модда ёки тақиқланган усулдан фойдаланаётган бўлса, антидопинг ташкилоти спортчига ретроактив ТИ аризаси топширишга рухсат бериши<sup>2</sup>; ёки

е) спортчи мусобақа пайтида тақиқланган дори воситасини мусобақадан ташқари вақтда терапевтик сабабларга кўра ишлатган бўлса<sup>3</sup>.

Таъкидлаш жоизки, юқоридаги шартларнинг бажарилиши спортчига албатта ТИ рухсати берилишини англамайди. Асосий шарт, спортчининг аризаси ТИХСнинг 4.2 банди шартлари бажарилишини талаб этади. Бунда спортчи (4.2 банд шартларига тўғри келган ҳолда) юқоридаги истисно ҳолатларидан бири қаноатлантирилганда ретроактив ТИга ариза топшириши мумкин.

*“...Агар антидопинг ташкилоти халқаро ёки миллий даражадаги спортчи бўлмаган спортчидан намуна олиш тўғрисида қарор қабул қилса ва ушбу спортчи терапевтик сабабларга кўра тақиқланган модда ёки тақиқланган усулдан фойдаланаётган бўлса, антидопинг ташкилоти спортчига ретроактив ТИ рухсатига мурожаат қилишга рухсат бериши керак...”* WADA кодексининг 4.4.5-моддаси.

---

### *Терапевтик истиснолар халқаро стандартининг 4.2 банди*

#### *Терапевтик истисно олиш шартлари*

---

а) Кўриб чиқиладиган тақиқланган модда ёки тақиқланган усул тегишли клиник маълумотлар билан тасдиқланган ташхис қўйилган касалликни даволаш учун талаб қилинган бўлса<sup>4</sup>.

---

<sup>2</sup> 4.1 банднинг (с), (д) ва (е) шартларига изоҳ: Бундай спортчиларга улардан допинг намуна олинганидан сўнг ретроактив ТИ олиши зарур бўлса, 4.2 бандда кўрсатилган ТИ шартларини бажариш учун тиббий маълумотлар йиғиш ва уларни кўрсатишга тайёр бўлиши қатъий тавсия этилади.

<sup>3</sup> 4.1 банднинг (е) шартига изоҳ: терапевтик сабабларга кўра спортчи мусобақадан ташқари вақтда фақат “мусобақа вақтида тақиқланган модда”дан фойдаланган бўлса, аммо истеъмол қилган тақиқланган модда мусобақа давригача ҳам спортчи организмида қолиб кетиш ҳавфи мавжуд бўлганда мурожаат қилиши мумкинлигини билдиради. Бундай вазиятларда антидопинг ташкилоти спортчига ретроактив ТИ учун ариза беришга рухсат беради. Шартли спортчи ТИга олдиндан мурожаат қилмаган бўлиши керак.

<sup>4</sup> Тақиқланган модда ёки тақиқланган усулдан фойдаланиш даволаш эмас, балки керакли диагностика текширувнинг бир қисми бўлиши мумкин.

б) Тақиқланган модда ёки тақиқланган усулни терапевтик мақсадларда қўллаш, эҳтимоллик нуқтаи назаридан, касалликни даволашдан кейин спортчининг нормал соғлиғига қайтишда кутилган натижалардан ташқари унда қўшимча спорт натижаларининг яхшиланишга олиб келмаслиги<sup>5</sup>.

с) Тақиқланган модда ёки тақиқланган усул бу касаллик учун кўрсатилган даво бўлиб, унинг рухсат этилган терапевтик муқобили мавжуд бўлмаса<sup>6</sup>.

д) Тақиқланган модда ёки тақиқланган усулдан фойдаланиш зарурати, тўлиқ ёки қисман, бундай фойдаланиш пайтида тақиқланган модда ёки усулдан олдин (ТИ рухсатсиз) фойдаланишнинг натижаси бўлмаслиги<sup>7</sup>.

ТИга рухсат бериш фақат юқоридаги 4.2 бандда кўрсатилган шартларни ҳисобга олишга асосланган бўлиб, агар спортчи юқоридаги шартларнинг ҳар бири бажарилганлигини эҳтимоллик баланси асосида исботлай олса, унга ТИ рухсатномаси берилиши мумкин.

## 6. ТИГА МУРОЖААТ ҚИЛИШДА КЕНГ ТАРҚАЛГАН ҲОЛАТЛАР ВА МОДДАЛАР

Тиббий ҳолат	Кўп қўлланиладиган дорилар	ТИ зарурлиги
Астма	Ингаляторлар ( $\beta$ 2-агонистлар)	Ҳа (Формотерол, Салбутамол)
Гормонал касалликлар	Глюкокортикостероидлар	Ҳа (айниқса системали қўлланса)
Анемия	Эритропоэтинлар	Ҳа
Қандли диабетнинг 1-тури	Инсулин	Ҳа

<sup>5</sup> Спортчининг нормал соғлиғи индивидуал равишда аниқланиши керак. Муайян спортчи учун нормал соғлиқ ҳолати бу унинг ТИ учун мурожаат қиладиган соғлиқ ҳолатидан фарқ қиладиган соғлиқ ҳолатидир.

<sup>6</sup> Шифокор нима учун танланган даволаниш энг мос эканлигини тушунтириши керак, масалан, тажриба, ножўя таъсирларнинг хусусиятлари ёки бошқа тиббий асослар, шу жумладан, агар керак бўлса, тиббий амалиётнинг географик хусусиятлари ва дори-дармонлардан фойдаланиш имконияти. Бундан ташқари, тақиқланган модда ёки тақиқланган усулдан фойдаланишдан олдин муқобил вариантларни синаб кўриш ҳар доим ҳам зарур бўлмайди.

<sup>7</sup> ВАДА вебсайтида эълон қилинган "ТИ бўйича шифокорларга тавсиялар" деб номланган ВАДА ҳужжатлари муайян тиббий ҳолатлар учун ушбу мезонларни қўллашда ёрдам бериш учун ишлатилиши керак.

## **7. ТИ АРИЗАСИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ МУДДАТИ ВА ТАРТИБИ**

- **Жорий этилган вақт:** 21 кун олдин ариза юбориш тавсия этилади (режали ҳолатлар учун).
- **Қарор қабул қилиш муддати:** Одатда 21 кун ичида.
- **Янгилаш:** Даволаш давом этса, янги ариза бериш зарур.

Терапевтик истиснолар комиссияси спортчи томонидан берилган ТИ аризасига иложи борича тезроқ жавоб бериши керак. Улар аризага рухсат бериш ёки уни рад этиш ҳақида қарор қабул қилишлари керак. Оддий ҳолларда, яъни махсус истиснолар қўлланилмаса, бу жараён узоғи билан 21 кун (уч ҳафта) ичида тугалланиши керак. Ҳисоблаш тўлиқ ариза олинган кундан бошланади.

Агар спортчи ТИ аризасини мусобақа бошланишидан анча олдин, оқилона вақт ичида топширган бўлса, Терапевтик истиснолар комиссияси барча имкониятларидан фойдаланиб, қарорни мусобақа бошланишидан олдин чиқариши лозим.

Ҳар бир ТИ рухсатномаси Терапевтик истиснолар комиссияси томонидан қарор қилинганидек белгиланган муддатга эга бўлади. Мазкур муддат охирида ТИ рухсатномаси автоматик равишда тугайди. Агар спортчи амал қилиш муддати тугаганидан кейин тақиқланган модда ёки тақиқланган усулдан фойдаланишни давом эттириши керак бўлса, улар ушбу муддат тугашидан камида бир ой олдин янги ТИ учун ариза топшириши керак. Шунда қарор қабул қилиш учун Терапевтик истиснолар комиссиясида етарлича вақт бўлади<sup>8</sup>.

## **8. ҚИЙИН ҲОЛАТЛАР БЎЙИЧА МИСОЛЛАР**

- **Фавқулодда операция:** Ретроактив ТИ.
- **Аёлларда гормонал терапия:** Диагноз асосида узоқ муддатли ТИ.
- **Психиатрия препаратлари:** Мутахассис хулосаси талаб қилинади.

## **9. ХАТОЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН ТАВСИЯЛАР**

- **✗** Тиббий ҳужжатларни тўлиқ тақдим этмаслик
- **✗** Аризани кеч юбориш

---

<sup>8</sup> ТИнинг амал қилиш муддати "ТИ учун шифокор кўрсатмалари" номли WADA ҳужжатлари билан бошқарилади.

- ✘ Тақиқланмаган альтернатива усулни синамасдан туриб ТИ сўраш
- ✘ Спортчига қарор ҳақида ўз вақтида хабар бермаслик

## **10. ҚЎШИМЧА МАНБАЛАР**

- **Терапевтик истиснолар бўйича халқаро стандарт (2021 йилги версия)**
- **Тақиқланган моддалар ва усуллар рўйхати**
- **Миллий антидопинг агентлиги портали**

